АБУ БАКР ҚАФФОЛ ШОШИЙ МУҲАДДИС СИФАТИДА

АБУ БАКР КАФФАЛ ШАШИ КАК УЧЁНЫЙ-МУХАДДИС

ABU BAKR KAFFAL SHASHI AS A SCIENTIST MUHADDIS

Nematullo MUKHAMEDOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Department History and Source
Studies of Islam-IRCICA
Doctor of Historical Sciences
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
n.mukhamedov@iiau.uz

DOI: 10.47980/IIAU/2024/1/1

Аннотация: *Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фиқҳ каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Бу масканда туғилиб фаолият кўрсатган буюк зотлар, олимлар "Шоший", "Тошкандий" (XVI асрдан) нисбаси билан мусулмон дунёсида танилганлар.*

Ислом оламида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби «имом» даражасига эришган кўплаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр Қаффол Шоший ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Унинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший бўлиб, кўплаб араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», «улуғ» маъносини ифодалайдиган «Кабир» сўзини қўшиб ёзадилар. Аллома моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонганлиги боис "Қаффол" яъни, қулфчи, қулфсоз деган ном билан эъзозланган.

Замондошлари уни "Ҳазрати Имом" деб улуғлаган. "Ҳастимом" сўзи "Ҳазрати Имом" иборасининг қисқартирилган шаклидир. Маҳаллий халқ Имом Қаффол Шоший ҳурматидан бу жойни шундай атаган. У Тошкентнинг илмий-маданий, диний-маърифий марказларидан бири бўлган.

Ушбу мақолада араб манбалари асосида Каффал Шошийнинг муҳаддис олим сифатидаги илмий фаолияти тадқиқ қилинган. Бундан ташқари, унинг тарбиявий-дидактик хусусиятга эга машҳур "Жавомиъ ал-калим" ("Қисқа иборали ҳадислар тўплами") асари ҳам ёритилган. Унда Қаффол Шоший ишончли ҳадисларни (саҳиҳларни) ихчам ва қисқача баён қилиб, ислом аҳкомларидан ташқари одоб-ахлоқ, илм-маърифат, таълим-тарбияга доир ҳикматли иборалар қайд этилган. Ундан халқимиз орасида кенг тарқалган матал, мақоллар, нодир ва қимматли афоризмлар ҳам ўрин олган. Бу эса ҳадисларнинг кенг халқ оммаси учун равон ва тушунарли бўлиши, тарқалишида муҳим аҳамият касб этган.

Калит сўзлар: *Шош (Тошкент), Шоший, Ҳазрати Имом, Қаффол, фиқҳ, ҳадис, қулфсоз, Имом кабир, муҳаддис, ҳикматлар, афоризм.*

Аннотация: *В средневековых источниках город Ташкент именовался как Шаш. Именно отсюда вышли многие учёные, деятельность которых была тесно связана с такими исламскими науками, как фикх, хадисоведение и др. К именам ученых, родившихся и творивших в Ташкенте, которые внесли вклад в развитие исламских наук, добавляли нисбу (приставку) «Шаши» или позднее (с XVI века) «Ташканди», и под этими именами они стали известны всему мусульманскому миру.*

*В исламском мире, наряду с Имамом ал-Бухари, ат-Термизи, ал-Матуриди, которые удостоились звания «Имам», особое место занимает и **Имам Абу Бакр Каффал Шаши** (904-977).*

Полное его имя – Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмаил Каффал Шаши. В арабских источниках в знак уважения и почёта к его имени добавляется слово «Кабир», означающее «большой», «великий». Первоначально он был искусным ремесленником, изготовлявшим замки и поэтому, впоследствии, его профессия стала приставкой к его имени «Каффал», т.е. «выделывающий замки», «замочник».

Современники с уважением называли его «Хазрат Имам». «Хастимам» – это сокращенная форма от слова «Хазрат Имам». Известно, что комплекс Хастимам является одним из самых древних религиозно-просветительских, научно-культурных центров Ташкента.

В данной статье, опираясь на арабские источники, изучена научная деятельность Каффаля Шаши как учёного-мухаддиса. Кроме того, описывается и его известное произведение «Джавамиъ ал-калим» («Сборник мудрых изречений»), которое несет в себе просветительский и дидактический характер. В ней Каффал Шаши лаконично и кратко описывает достоверные хадисы (сахих), использовав не только заповеди ислама, но и изречения, относящиеся к воспитанию, обучению, просвещению, поведению людей и т.д. Не лишена книга ценных и редких афоризмов, которые широко использовались людьми, что в свою очередь обеспечивало широкое и ускоренное распространение хадисов среди масс.

Ключевые слова: *Шаш (Ташкент), Шаши, Хазрат Имам, Каффал, фикх, хадис, замочник, Имам кабир, мухаддис, изречения, афоризм.*

Annotation: *Tashkent is called Shash in medieval sources, and many famous scholars in Islamic sciences such as hadith and fiqh (Islamic jurisprudence) came from here. According to the tradition, before the names of scientists born in Tashkent and contributed to the*

development of the Islamic sciences was added nisba (prefix) «Shashi» or later (from the 16th century) «Tashkandi», and with these names they became known to the entire Muslim world.

In the Islamic world, along with Imam al-Bukhari, at-Termizi, al-Maturidi, who received the title of «Imam», Imam Abu Bakr Kaffal Shashi (904-977) also takes a special place.

His full name is Abu Bakr Muhammad ibn Ali ibn Ismail Kaffal Shashi. In Arabic sources, as a sign of respect and honor, the word "Kabir" is added to his name, meaning "big", "great". Initially, he was a skilled artisan who made locks and therefore his profession later became the prefix to his name "Kaffal", i.e. "lock maker", "locksmith".

Contemporaries respectfully called him «Hazrat Imam». «Hastimam» is an abbreviated form from the word «Hazrat Imam». The local people named this place in honor of Imam Kaffal Shashi. It was one of the scientific-cultural, religious-educational centers of Tashkent.

In this article, relying on Arabic sources, the life and scientific work of Kaffal Shashi has been studied. In addition, his well-known work «Javami al-Kalim» («Collection of wise sayings»), which carries an educational and didactic character, is also described. In it, Kaffal Shashi succinctly and briefly describes authentic hadith (saheeh), using not only the commandments of Islam, but also sayings related to upbringing, education, enlightenment, behavior of people, etc. The book was enriched with valuable and rare aphorisms that were widely used by people, which in turn ensured a wide and accelerated spread of hadith among the masses.

Keywords: *Shash (Tashkent), Shashi, Hazrat Imam, Kaffal, fiqh, hadith, locksmith, Imam kabir, muhaddith, sayings, aphorism.*

КИРИШ

XIII – XV асрлар Марказий Осиёда илм-фан ва маданият, айниқса, ислом илмлари тараққий қилган. Бинобарин, бу минтақадаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. Жумладан, Шошдан ҳадис, фиқҳ каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган кўплаб буюк зотлар, олимлар «Шоший» нисбаси (нисбат) билан бутун дунёга танилганлар (Mukhamedov Nematullo, 2020:137-143).

Ана шундай алломалардан бири Қаффол Шоший (291/904 – 366/976 йй.) дир. Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», «улуғ» маъносини ифодалайдиган "Кабир" сўзини қўшиб ёзадилар (Mukhamedov Nematullo, 2020:205-208). Аллома моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонганлиги боис "Қаффол" яъни, қулфчи, қулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллусига айланиб кетган. Қаффол Шошийни муҳаддис сифатидаги фаолияти ўрта аср араб манбалари ёрдамида тадқиқ қилинган.

УСЛУБЛАР

Тадқиқотни ёритиш жараёнида ва унинг методологик асоси ҳамда концепциясини ишлаб чиқишда замонавий тарихий тадқиқот усуллари асос қилиб олинди. Жумладан, тарихийлик, тадрижийлик, ҳаққонийлик, холислик ва илмийлик тамойиллари асосида ёндашилди. Турли манбалар, маълумотларни муомалага киритиш жараёнида улар ҳам қиёсий таҳлил этиш асосида умумлаштирилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Милодий IX аср ҳадис илмида катта ютуқлар қўлга киритилгани боис "ҳадис илмининг олтин асри" деб юритилади. Чунончи, VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланиб борган ҳадис илми билан кейинги икки-уч аср давомида тўрт юздан зиёд муҳаддис шуғулланган (Uvatov U., Usmonov I., Rahimjonov D., Mukhamedov N., Muratov D. va boshqalar, 2011:10,11), (Termiziy, 1993:4). Насафлик аллома Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) "Китоб ал-қанд" ва марвлик тарихчи Абу Саъд Самъоний (1113-1167) "Китоб ал-ансоб" асарларида юртимиз шаҳарларида фаолият юритган муҳаддислар ҳақида қимматли маълумотларни келтиришган.

Хусусан, "Китоб ал-қанд" ва "Китоб ал-ансоб" каби манбалар берган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортиғининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Уструшана, Дабусийа, Кушонийа ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар (Rahimjonov, 2003:13).

Юқоридаги рақамлар Шош (Тошкент) ҳам мусулмон Шарқидаги илмий-маданий марказлардан бири эканини тасдиқлайди. Шошда ҳадис илми ривожланган ва бу ердан етишиб чиққан муҳаддислар нафақат Шош воҳасида, балки ислом дунёсининг турли марказларида илмий фаолият олиб боришган ва шуҳрат қозонишган.

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний ўзининг "ал-Ансоб" ("Насабнома") китобида Тошкентни шундай таърифлайди: "Сайхун дарёси ортидаги, турклар билан чегарадош шаҳар бўлиб, у "Шош" деб аталади. Бу ердан кўплаб имомлар етишиб чиққан». Самъоний шошлик имомлар тўғрисида маълумотлар келтириб, жумладан, Қаффол Шоший ҳақида шундай ёзади: "Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший бўлиб, тафсир, ҳадис, фиқҳ, тилшунослик илмлари бўйича замонасида унга тенг келадиган олим йўқ эди... Қаффол Шоший тўғрисида шундай нақл мавжуд бўлган:

"Бу Абу Бакр қулфсоз фақиҳ»,

Фиқҳ билан қийин қулфлар(масалалар)ни очувчидир" (Abu Sa'd Abdulkarim ibn Muhammad as-Sam'oniy, 1988:244-245).

Шайх Муҳйиддин Нававийнинг айтишларича, агар Қаффол Шоший деб зикр қилинса, бундан мақсад – ана ўша биз таниган буюк имом Абу Бакр Қаффол Шоший тушунилади. Агар Қаффол Марвазий деб айтилса, унда бу зотдан кейин яшаб, фаолият кўрсатган "Кичик Қаффол" тушунилади. Шоший ("Катта Қаффол") атамаси тафсир, ҳадис, усул, калом илмларида такрор-такрор зикр этилади. Аммо Марвазий ("Кичик Қаффол") сўзи эса фиқҳга тааллуқли асарларда учрайди.

Маълумки, Қаффол Шоший ҳижрий 291(милодий 904) йилда Шошда туғилиб, дастлабки билимни ўз юртида, кейинчалик Мовароуннаҳрдаги мавжуд маърифат ўчоқларида олади. Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезиб, бу ерларда ўзидан сал олдинроқ ўтган ва бебаҳо диний-илмий мерос қолдирган Имом Бухорий, Имом Термизий каби йирик олимлар асарлари билан танишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларини эшитади ва ўрганади (Мухамедов Н., 2014:130).

Шунингдек, Абу Бакр Қаффол Шоший Хуросонга бориб, Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма, Муҳаммад ибн Исҳоқ Саррож, Умар ибн Муҳаммад ибн Бухайр Самарқандийдан, Ироқда буюк муфассир Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Мусо ибн Абдулҳамид ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Бағовий, ибн Абу Довуд, ибн Соғиддан, Куфада эса Абдуллоҳ ибн Зайдон, Али ибн Аббос Муқониъийдан, Шомда Абулҳамимдан, Жазирада (Арабистон ярим ороли) эса Абу Аруба Ҳарроний каби катта олимлардан дарс олган ва бошқа табақалардан ҳадислар эшитган (Abdulkarim ibn Muhammad ar-Rofi'iy al-Qazviniy,1987:457).

Машҳур муаррих Шамсуддин Заҳабий "Сийар аълом ан-нубало" ("Олижаноб алломалар сийратлари") асарида келтиришича, "Ҳоким айтади: Мовароуннаҳрда усул илми ва ҳадис талаби ила энг кўп сафар қилган олим Қаффол Шоший эди" (Shamsuddin Zahabiy, 1993:283).

Ўз навбатида, Қаффол Шошийдан ҳам баъзи олимлар ҳадислар эшитишган ва ўрганишган. "Тадвин фи ахбори Қазвин" ("Қазвин хабарлари ҳақида битиклар") номли китобда бу хусусда маълумотлар берилган. Ҳижрий 350(милодий 962) йилдан кейин Қаффол Шоший Қазвин шаҳрига келади. Бу ерда Абу Мансур Қаттон ва шунга ўхшаш олимлар Қаффол Шошийнинг мажлисларида ҳозир бўлишиб, ундан ҳадислар ва баъзи маълумотларни ёзиб олишган.

Турли манбаларда Қаффол Шошийдан ривоят қилинган ҳадислар мавжуд: "Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил Қаффол Шошийдан, ундан Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб Шоший, ундан Юнус ибн Иброҳим Аданий, ундан Абдулҳамид ибн Солиҳ, ундан Солиҳ ибн Абдулжаббор Ҳазрамий, ундан Муҳаммад ибн Абдураҳмон Байламоний, бу зот оталаридан, оталари эса Ибн Умардан, Ибн Умар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилишган. Расулуллоҳ (с.а.в.): "*Шеърни ўрганинглар, чунки унда ҳикмат ва масаллар бордир*", деб марҳамат қилдилар (Shamsuddin Zahabiy, 1993:431-432).

Шунингдек, Абулаъло Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абдураҳим Муборакфурий (1283-1353) "Туҳфат ал-Аҳвозий" ("Аҳвозий туҳфаси") асарида Абу Бакр Қаффол Шошийдан қуйидаги хабарни ривоят қилган: "Қози Ҳусайн ва Абу Саъид Мутаваллий: *"Баъзи кишиларнинг хайрлашаётганда салом бериш одати бор. Бу саломнинг жавоби мустаҳаб бўлган. Лекин вожиб эмас. Чунки учрашганда ҳам, хайрлашганда ҳам салом берилади".*

Абу Бакр Қаффол Шоший бу фикрни инкор этиб, шундай деган: *"Хайрлашаётганда салом бериш учрашгандаги каби суннатдир. Хайрлашганда саломга алик олиш учрашгандаги каби вожибдир".* Бу саҳиҳдир, тўғридир (Abula'lo Muhammad al-Muborakfuriy, 1988:403).

МУҲОКАМА

Тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъонийнинг зикр қилишича, Қаффол Шоший “Далоил ан-нубувват” (“Пайғамбарлик далиллари”), “Маҳосин аш-шариа” (“Шариат гўзалликлари”) китобларини ҳам таълиф этган. Имом ан-Нававий эса “мен Қаффол Шошийнинг юрак(қалб)дан ёзилган “Далоил ан-нубувват” китоби ва “Маҳосин аш-шариа” катта китобини кўрганман” деб ёзган (Abu Sa’d Abdulkarim ibn Muhammad as-Sam’oniy, 1988:211).

Исмоил ибн Муҳаммад ибн ал-Исфаҳонийнинг айнан шу номдаги “Далоил ан-нубувват” китобида Абу Бакр Қаффол Шошийдан бир ҳадис ривоят қилинган: “Қаффол Шоший Арувба Исҳоқ ибн Шоҳиндан, ундан Абдуллоҳнинг ўғли Холид, ундан Довуд ибн Ҳанда, ундан Умар ва ибн Саъид, Саъид ибн Жубайрдан, бу эса ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидаги воқеани ривоят қилишган:

“Аздишануа қабиласидан бўлган Замод исмли бир киши ақли заифларни муолажа қилар эди. У Маккага келди ва унинг аҳлидан “Муҳаммад исмли шахс шоир, мажнун, коҳин, сеҳргар экан” деб эшитди. Шундан кейин Замод “Аллоҳга қасамки, шояд, Аллоҳ у кишига маним қўлимдан шифо берса”, деди.

Бас, у Расулуллоҳ (с.а.в.)га йўлиқди ва:

- Эй, Муҳаммад! Мен сизга ёрдам бераман. Аллоҳ маним қўлимда бу ақлсизлик касалини муолажа қилади, - деди.

Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Аллоҳга ҳамд бўлсин, уни мақтаймиз, ундан ёрдам сўраймиз, унга истиғфор айтамиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, адаштиргувчи йўқ. Кимни адаштирса, ҳидоят қилгувчи йўқ. Ва гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Албатта, Муҳаммад Аллоҳнинг қули ва расулидир, - дедилар.

Замод бу сўзларни яна қайтаринг, деди. Расулуллоҳ унга яна такрорладилар.

- Коҳинлар, сеҳргарлар ва шоирларнинг сўзларини эшитганман-у, лекин сиз айтгандагидек сўзни эшитмаганман. Бу сўзларингиз денгиз тубигача етиб борди. Исломга киришликка сизга байъат бераман, - деди Замод.

Расулуллоҳ “қавмингга ҳам” дедилар. У киши исломга киришлик учун ўзи ва қавмига байъат қилди” (Ismoil ibn Muhammad ibn Fazl at-Taymiy al-Isfahoniy, 1988:193).

Хожа Халифанинг хабар беришича, “Маҳосин аш-шариа фи фуруъи аш-шофиъия» («Шофиъия фуруълари да шариат гўзалликлари») асари муаллифи ал-Қаффол аш-Шоший деб танилган Имом Абу Бакр Муҳаммад Алидир. Ушбу асар ажойиб масалаларни ўз ичига олган. Лекин китобнинг адади жуда кам. Унинг бир нусхаси Қоҳирадаги “Фозилия” мадрасасига 3 жилдда вақф қилинган. Асар

الحمد لله الغنى الحميد ذى العرش المجيد

деган мисралар билан бошланган. Қаффол аш-Шошийнинг унда зикр қилишича, китобни шариат далиллари ҳақида сўраганлар учун ёзган (Хоja Хalifa, 1992:1608).

Абдулкарим ибн Муҳаммад ар-Рофиъий ал-Қазвиний эса бу борада қуйидаги маълумотларни келтирган:

“Абу Бакр Қаффол аш-Шоший буюк имомлардан ва шофиъий мазҳаби олимларидан эди. Бу зот тафсир, ҳадис, усул ва фиқҳ илмларида пешқадам эди ва кўплаб асарлар ёзган. У кишининг “Маҳосин аш-шариа” китоблари бўлиб, унда Расулуллоҳ (с.а.в.) мўъжизаларини бадиий услубда жамлаган. Ушбу китобда 1000дан ошиқ ҳадислар бор” (Abdulkarim ibn Muhammad ar-Rofi’iy al-Qazviniy, 1987:457).

НАТИЖАЛАР

“Жавомиъ ал-калим” ҳадисга оид асар. Абу Бакр Қаффол Шоший илмий меросида “Жавомиъ ал-калим” (“Қисқа иборали ҳадислар тўплами”) асари етакчи ўринни эгаллайди. “Жавомиъ ал-калим” китоби Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший қаламига мансуб бўлиб, унда Имом ал-Бухорий шарҳи мажмуаларидаги Расулуллоҳ (с.а.в) калималаридан тўпланган” (Хоja Хalifa, 1992:611). Ушбу асар қўлёзмасининг фото нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

Марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари 1970 йили Дамашқ шаҳридаги “Зоҳирия” кутубхонасида сақланадиган “Жавомиъ ал-калим” асарининг қўлёзмаси (32 саҳифадан иборат) фото нусхасини олиб келганлар.

Қаффол Шоший “Жавомиъ ал-калим” асарининг аҳамияти тўғрисида қўлёзманинг муқаддима қисмида шундай ёзган: “Дарҳақиқат, пайғамбар сўзлари ва шаръий одобларда маъсумлик билан қувватланган, баён ва ҳикмат билан таъмин этилгани (яъни, пайғамбар томонидан келганлиги ва айтилганлиги) туфайли орифлар қалбларига ёруғлик ва қўрқадиганлар дардларига шифо бордир. Чунки, ул зот ҳидоятга чақиради, кўр кўзларни очади, (Қуръонни) ўз ҳавоси (хоҳиши) билан сўзламайди. Аллоҳ унга (пайғамбар) ўзи танлаб олган бандалари

ичида барчасидан кўра афзалроқ салавот юборсин!”.

Шунингдек, асарнинг хусусиятини муаллиф қуйидагича таърифлайди: “Бу китобимда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадислари ичида эшитганларимдан мингта сўз (калима) тўпладим. Уларнинг тузилиши мураккабликдан холи, маънолари чигалликдан йироқ, пайғамбар ҳидояти билан қўллаб-қувватланган ва тарбияланганлиги сабабли фасиҳларнинг фасоҳатидан ва балоғат аҳлининг балоғатидан устундир. Мен уларни ўзлаштириш ва эслаб қолишни осонлаштириш мақсадида бири иккинчисининг кетидан келадиган, исноднлари олиб ташланган, сўзларнинг яқинлигига кўра бобларга бўлинган ҳолда келтирдим. Сўнгра яна икки юз ибора қўшдим ва улар бир минг икки юз ибора бўлди”.

“Жавомиъ ал-калим” асарида Қаффол Шоший ҳадисларни қуйидаги ҳолатда келтирган:

الأعمال بالنيات
المستشار مؤتمن
الكرم التقوى
القرآن هو الدواء
الدعاء هو العبادة

Амаллар ниятларга боғлиқдир.
Маслаҳатгўй омонатдордир.
Карам соҳиби бўлишлик тақводир.
Қуръон дардларга даводир.
Дуо – у ибодатдир.

السلام قبل الكلام
حسن السؤال نصف العلم
الجماعة رحمة
الفرقة عذاب

Аввал салом, кейин калом.
Яхши савол илмнинг ярмидир.
Жамоат билан бўлишлик раҳматдир.
Фирқаланиш айни азобдир.

Кўриниб турибдики, Қаффол аш-Шоший тўплаган ҳадислар қисқа, лўнда ҳамда маъноларга бойдир. Муҳими, ҳар қандай ўқувчи учун тушунарли шаклда берилган. Айни пайтда «Жавомиъ ал-калим» маърифий ва дидактик аҳамиятга эгалиги билан бошқа ҳадис тўпламлари ичида ажралиб туради. Шунингдек, Қаффол Шоший асарида берилган ҳадисларда ислом дини аҳкомларидан ташқари одоб-ахлоқ, илм-маърифат, таълим-тарбияга доир ҳикматли иборалар қайд этилган. Ундан халқимиз орасида кенг тарқалган матал, мақоллар, нодир ва қимматли афоризмлар ҳам ўрин олган. Бу эса ҳадисларнинг кенг халқ оммаси учун равон ва тушунарли бўлиши, тарқалишида муҳим аҳамият касб этган.

Саҳиҳ ҳадис тўпламлари ичидан ҳикматли ибораларни саралаб олиш Қаффол Шошийдан катта меҳнат ва машаққатни талаб этган. Эътироф этиш керакки, ислом илмлари бўйича етук аллома ўзининг яна бир илмий салоҳиятини намоён этиб, «Жавомиъ ал-калим» асарини яратишга муваффақ бўлган. Фикримизнинг исботи сифатида ушбу ҳадислардан баъзиларининг ровий ва исноднларига мурожаат қилайлик:

«Амаллар ниятларга боғлиқдир». Бизга хабарни Абдуллоҳ ибн Зубайр ал-Ҳамидий Суфёндан берган. Унга Яҳё ибн Саъид ал-Ансорий Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Таймийдан хабар берган. У Алқама ибн Ваққос ал-Лайсий Умар ибн ал-Хаттоб (розиаллоҳу анҳу) минбарда туриб шундай деганларини эшитганлигини айтган. Умар ибн ал-Хаттоб минбардан туриб, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Албатта, барча амаллар ниятга боғлиқдир. Ҳар бир киши ўз ниятига етгусидир. Бирор киши Аллоҳ таоло ва Унинг Расули (пайғамбари) учун ҳижрат қилса, Аллоҳ ва унинг Расули учун ҳижрат қилганлик савобини топади. Ҳар ким дунё учун ҳижрат қилса – дунёга, аёл учун ҳижрат қилса – аёлга етишгусидир. Бас, нимани ният қилиб ҳижрат қилса, ўшанга етишгусидир» деганларини айтди (Sahih Buxoriy, 1992:3).

Ушбу ҳадис саҳиҳ бўлиб, уни Имом ал-Бухорий Моликдан келтирган. Бундан ташқари бу ҳадис бир неча ҳадис тўпламларида ҳам мавжуд. Қаффол аш-Шоший ушбу ҳадисдан бор-йўғи иккита калимани ажратиб олган ва у омма орасида машҳур бўлиб кетган.

«Маслаҳатгўй омонатдордир». Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн ат-Тажибий Абу Саъид Аҳмад ибн Донуқо ал-Жамолдан, у Иброҳим ибн Маҳдийдан, у Ҳасан ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад ал-Балхийдан, у Исмоил ибн Муслимдан, у Ҳасандан, у эса Самура ибн Жундубдан Расулуллоҳ (с.а.в.): “Маслаҳат берувчи хиёнатчи эмас, балки омонатдордир (ишончга лойиқдур), зеро, у хоҳласа маслаҳат беради, хоҳласа сукут сақлайди. Агар маслаҳат берса, ўзи ўша аҳволда нима қилса, ўшани маслаҳат беради», дедилар.

Яна бир ривоятда ҳадиснинг давомида шундай дейилган:

«Шунинг учун (маслаҳат берувчи бировнинг сирини сақлашга ишончли бўлганлиги учун) у истаса, маслаҳат беради (омонатни сир тутишга

кўзи етса), хоҳласа сукут сақлайди (омонатни сир тутишга кўзи етмаса)».

Мажлислар омонат биландир (уларда айтилган сўзларнинг сир сақланишига боғлиқ).

Бошқа бир ҳадисда:

«Бир одам бир сўзни айтиб бўлганидан сўнг (ҳадиксираб) у ёқ-бу ёққа қараб қўйса, демак, унинг сўзи (эшитувчи учун) омонатдир (сирдир)».

Ислом дини таълимотига кўра, бир одамнинг бошқа бир одамга ишониб бериб қўйган пули, моли ва бошқа нарсалари омонат бўлганидек, унинг бошқалар эшитмаслигини назарда тутиб айтган гапи ҳам омонат, яъни, сир ҳисобланади. Омонат сўзга хиёнат қилиб, бировнинг сирини фош қилиш ҳам молу дунёга хиёнат қилингани каби қораланади.

Аҳмад Асбоғ ибн Абдулазиз ибн Марвон ал-Химсийдан, у отасидан, отаси эса бобосидан, бобоси Аббон ибн Сулаймондан, у отаси Сулаймондан, у Қаббос ибн ал-Ашим ал-Лайсийдан хабар беришларича, Расулуллоҳ дедилар: «*Ваъда вафодир*» (SD-disk: Al-Maktabat alfiya li sunnati nabaviya, 1988:209).

Ҳадиснинг бош қисми:

«Сизлардан бирортангиз боласига ваъда қилиб уни бажармайдиган бўлса, ваъда қилмасин!»

Ваъда қарздир.

Ислом кишилар орасида ўзаро муносабатларни шакллантиришда қарз бериб туриш ва уни вақтида қайтариш масаласига катта аҳамият берган ва қарзни қайтариш қанчалик муҳим бўлса, ваъдага вафо қилмоқлик ҳам шунчалик муҳимлигини уқтирган. Ҳатто, бошқа бир ҳадисда пайғамбар алайҳиссалом ваъдага вафо қилмаслик, унга хилоф қилишлик мунофиқликнинг аломатларидандир, деб таъкидлаганлар.

Абу Муслим Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Муслим Абу Осимдан, у Ибн Журайждан, у Абдулкаримдан, у Усмон ибн Аффоннинг хизматкоридан, у Абдуллоҳ ибн Маъқилдан, у Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилишларича, Расулуллоҳ “Пушаймонлик (надомат чекиш) тавбадир», (Abu Sa’id al-Haysam ibn Kulayb ash-Shoshiy, 1988:311) - дедилар.

Диннинг асл мақсади ва асосий вазифаси ҳақидаги пайғамбаримиз (с.а.в)нинг машҳур бўлган ҳадислари айнан «Жавомиъ ал-калим»да «Дин ихлос(насиҳат маъносида ҳам ишлатилади)дир» тарзида берилган. Ушбу ҳадис «Саҳиҳ Муслим»да қуйидагича келтирилган: «Муҳаммад ибн Аббод ал-Маккий Суфёндан, у Суҳайлдан, у Ато ибн Язиддан, у Тамим ад-Дорийдан хабар беришларича, пайғамбар (с.а.в.) дедиларки:

- Дин ихлосдир.

Сўрадик:

- Кимга?

Расулуллоҳ дедилар:

- Аллоҳга, Унинг Китобига, Элчиси(Расули)га мусулмон раҳбарлари ва мусулмон қавмларга (SD-disk: Al-Maktabat alfiya li sunnati nabaviya, 1988:74; Abduhafiz Abdujabborov, 2004:6).

«Бемаза гап жафо келтиради». Бу ҳадис аслида қуйидагича: Муҳаммад ибн Солиҳ ибн Зурайҳ Исмоил ибн Мусо ал-Физорийдан, у Ҳушаймдан, у Мансурдан, у Ҳасандан, у Абу Букрадан хабар беришларича, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Бемаза гап жафо келтиради, жафо эса дўзахга олиб боради. Ҳаё имондандир, имон эса жаннатга киритади».

Халқимиз орасида «Олтин олма, дуо ол» деган нақл мавжуд. Қаффол аш-Шоший ўзининг «Жавомиъ ал-калим» асарида «Дуо – у ибодатдир» деган ҳадисни келтиради. Ушбу ҳадис деярли барча муҳаддисларнинг тўпламларида учрайди. Мазкур ҳадис «Сунани Термизий»да қуйидагича берилган: «Ҳаннод Абу Муовиядан, у ал-Аъмашдан, у Заррдан, у Ясиъ Санъондан, у Нуъмон ибн Баширдан ривоят қилишларича, пайғамбаримиз (с.а.в.) айтишларича, «Сизларнинг роббингиз менга дуо қилинглар, дуоларингизни ижобат қиламан», деган. Расулуллоҳ айтадиларки, «Дуо – у ибодатдир. Роббингиз менга дуо қилинг. Дуоларингизни ижобат қиламан» деган. Уни Мансур ривоят қилган» (Sunani Termiziy, 1993:211).

«Жавомиъ ал-калим»да берилган 1000 дан ошиқ ҳадисларни шарҳлашнинг имкони йўқ. Муҳими, Қаффол аш-Шошийнинг ушбу асари ҳадис илмида катта аҳамиятга эга. Чунки унда берилган ҳадислар кенг халқ оммаси ўрганиши учун жуда равон ва қулай ёзилган.

Қаффол аш-Шоший «Жавомиъ ал-калим» асарининг муқаддимасида «ҳадис иснодларига бир китоб бағишладимки, уларни билиш учун ўша китобга мурожаат қилинади» деб ёзади. Демак, муаллифнинг ҳадис илмига оид «Жавомиъ ал-калим»дан бошқа яна бир асари мавжуд эканлиги маълум бўлади. Унда олим ўзи тўплаган 1000дан ортиқ саҳиҳ ҳадисларнинг ровий ва иснодларини тўлиқ келтирган. Қуйида «Жавомиъ ал-калим» асарида зикр этилган ҳадислардан айримларини алоҳида мавзулар бўйича ажратиб, ўқувчи эътиборига ҳавола этамиз.

Ислом – маърифат ва эзгулик дини

Дин – эзгуликка даъват ва ёмонликдан қайтаришликдир.

Амалнинг маёғи унинг натижаларидир (унинг натижаларига боғлиқ).

Диннинг маёғи парҳезкорликдир.

Аллоҳдан қўрқиш ҳар бир донишмандликнинг бошидир (асосидир).

Хурсандчиликни сабр билан кутиш ибодатдир.

Ичкилик – гуноҳларнинг мажмуасидир.

Ичкилик барча ёмон ишларнинг онасидир.

Зино - қашшоқлик келтиради.

Ёлғон – сўзнинг офатидир.

Унутмоқ - илмнинг офатидир.

Нодонлик – мулойимликнинг офатидир.

Ҳаддан ошишлик - мардликнинг офатидир.

Миннат қилишлик олижаноблик офатидир.

Канда қилиш ибодатнинг офатидир.

Кеккайишлик – гўзаллик офатидир.

Фахрланиш – насл-насабнинг офатидир.

Мақтанчоқлик – зарифлик (ақллилик) офатидир.

Исрофгарчилик сахийлик офатидир.

Ҳавойи нафсга берилишлик – диннинг офатидир

Ҳар бир яхшилик – садақадир.

Одамлар билан муросаи мадора қилишлик – садақадир.

Ширин сўз – садақадир.

Одам ўз обрўсини сақлаши сабабли унга садақа ёзилади.

Қариндошларга қилинган садақа ҳам садақа ва ҳам силаи раҳмдир.

Садақа – ёмон ўлимни қайтаради.

Силаи раҳм – умрни зиёда қилади.

Пинҳона садақа Парвардигорнинг ғазабини сўндиради.

Эзгулик амаллари ёмон ҳалокатдан асрайди.

Садақа қилувчи киши одамлар ўртасида ҳукм этиладиган кунгача (қиёматгача) садақасининг соясида (паноҳида) бўлади.

Садақа – сув оловни ўчирганидек хатони (гуноҳни) ўчиради.

Дунё меҳрини тарк қилиш қалбу баданга ҳузур бағишлайди ва дунёга ҳирс қўйиш ташвишу ғамни кўпайтиради. Бекорчилик қалб ва баданни тошбағир қилади.

Икки неъмат борки, одамлар уни қадрламайдилар: сиҳат-саломатлик ва бўш вақт.

Овқатдан олдин қўлларни ювиш фақирликни кетказади ва гўшт кўзни соғломлаштиради.

Қалблар яхшилик қилган одамни севиш ва ёмонлик қилган одамни ёмон кўриш туйғусида яратилган.

Одоб-ахлоқ - инсоний фазилатлар негизи

Ўтиришлар ишончлиларга боғлиқдир (уларда айтилган сўзларнинг сир сақланишига боғлиқ).

Бошқа бир ҳадисда: «Бир одам бир сўзни айтиб бўлганидан сўнг у ёқ бу ёққа қараб қўйдими, демак унинг сўзи (эшитувчи учун) омонатдир».

Маслаҳат сўралувчи киши омонат сақлагувчидир (ишонч билдирилган одамдир).

Яхши савол илмнинг ярмидир.

Каломдан (гапдан) олдин салом (аввал салом, баъдоз калом).

Раҳбарлик қилувчи гўё қарздор одамдекдир. Яъни масъулиятни доимо ҳис этиши зарур.

Мулойимлик донишмандликнинг бошидир.

Ҳикматли сўз ҳар бир донишмаднинг йўқотган нарсасидир.

Олижаноблик хулқнинг энг гўзалидир.

Тонг саҳарда ухлаб ётишлик ризқни қирқади (манъ қилади).

Жаннат оналарнинг қадамлари остидадир.

Илм мўминнинг дўсти, ҳалимлик унинг вазири (ёрдамчиси), ақл унинг йўлбошчиси, амал унинг бошлиғи, хайрихоҳлик унинг отаси, эзгулик унинг оғаси, сабр унинг лашкарбошисидир.

Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.

Ҳар бир илм соҳиби чанқоқдир (илм олишга).

Ҳар бир нарсанинг устуни бор, бу диннинг (исломнинг) устуни фиққдир.

Фойда келтирмайдиган илм сарф қилинмайдиган хазинага ўхшайди.

Гўзал хулқ инсоннинг толеъидандир.

Бу дунёда яхши ишларни қилгувчилар охиратда ҳам яхшиликнинг эгаларидурлар.

Султон (давлат раҳбари) Аллоҳнинг соясидир. Ҳар бир мазлум ундан паноҳ қидиради.

Уч хил дуо шубҳасиз мустажобдир: мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси, отанинг фарзанд ҳаққига қилган дуоси.

Ишонч қозонишлик (омонат сақлай оладиган бўлишлик) бойликдир.

Бойнинг (мол, мулк бериши) пайсалга солиши зулмдир.

Қаноат – тугамайдиган бойликдир.

Омонатга хиёнат қилмаслик ризқ етаклаб келади, хиёнат камбағалликни тортиб келади.

Ҳалоллик талаб қилмоқ бошқа фарзлардан (намоз, рўза кабилардан) кейинги фарздир.

Ўртача тирикчилик баъзи тижоратдан кўра ҳам яхшироқдир.

Ёлғон қасам молнинг камайиши ва баракасининг кетишига ҳамда унинг ривож топмаслигига боисдир.

Ёлғон гувоҳлик берувчи одам қиёмат кунида тили оловни ялаган ҳолатида тирилтирилади.

Жаҳолатга қарши маърифат

Ҳаж – ҳар бир куч-қувватсиз одамнинг жиҳодидир.

Аёлнинг жиҳоди эрига чиройли муомала қилишликдир.

Ҳалоллик талаб қилиш ҳам жиҳоддир.

Мўминнинг қони ҳаром (уни ўлдириш мумкин эмас) бўлганидек, унинг молу давлати ҳам ҳаромдир (уни ўғирлаш ёки унга хиёнат қилиш мумкин эмас)

Имон - қотилликнинг кишанидир.

Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, у биродарини ёрдамсиз қолдирмайди ва унга зулм қилмайди.

Қиёмат кунида одамлар ўртасида чиқариладиган биринчи ҳукм қонлар хусусида (қотиллик) бўлади.

Жамоат (кўпчилик билан бир томонда бўлишлик) саодатдир ва парокандалик (кўпчиликдан ажралиб қолишлик) азобдир (бахтсизликдир).

Хиёнаткорлик жаҳаннам чўгидандир.

Пушаймонлик – гуноҳнинг каффоратидир.

Аллоҳнинг қўли (қудрати) жамоат устидадир (кўпчилик томонидадир).

Ҳийла-найранг ва алдамчилик(нинг жойи) дўзахдадир.

Одамларнинг энг ёмонларидан иккиюзламачиларини (тили бошқа, дили бошқаларни) топасизлар. Улар одамларга гоҳ бу юз билан, бошқаларига бошқа юз билан келадилар.

ХУЛОСА

Абу Бакр Қаффол Шоший қаламига мансуб “Жавомиъ ал-калим” том маънода мўътабар асарлар сирасига киради. Зеро, унда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳикматомуз ибратли сўзлари, ҳадислари ўз ифодасини топган.

“Жавомиъ ал-калим” яъни, “Қисқа иборали ҳадислар тўплами” номидан ҳам маълумки, ундан дини, миллатидан қатъи назар ҳар бир инсон учун кундалик турмуш ва ижтимоий ҳаётда зарур бўлган одоб-ахлоқ мезонлари, бебаҳо кўрсатмалар ўрин олган.

Абу Бакр Қаффол Шошийнинг шахсияти ва илмий салоҳияти нафақат ўрта аср Шарқ муаллифлари, балки Ғарб олимлари томонидан ҳам эътироф этилади. Айниқса, немис шарқшуноси К.Броккельман ва йирик рус олими В.Бартольдлар Қаффол Шоший илмий фаолиятига юксак баҳо беришган. Хусусан, унинг араб адабиётида тутган ўрни ҳақида баён қилишган.

Умуман олганда, Абу Бакр Қаффол Шоший ҳадис илмини ҳам чуқур билган муҳаддис сифатида ўрта аср араб манбаларида эътироф этилган.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR RO’YXATI:

1. Abula’lo Muhammad Abdurahmon ibn Abdurahim al-Muborakfuriy. Tuhfat al-Axvoziy. – Bayrut : Dor al-kutub al-ilmiya. – 7-jild. – B. 403.
2. Abu Sa’d Abdulkarim ibn Muhammad as-Sam’oniy. al-Ansob. – Bayrut, 1988. – 7 -jild. – B. 244.
3. Abu Sa’d Abdulkarim ibn Muhammad as-Sam’oniy. at-Tahbir fi mu’jam al-kabir. – 2-jild. – B. 26-27.
4. Abu Sa’id al-Haysam ibn Kulayb ash-Shoshiy. al-Musnad. – Madinai munavvara : Maktabat al-¬ulum val-hikam, 1988. – 1-jild. – B.311.
5. Abdulkarim ibn Muhammad ar-Rofi’iy al-Qazviniy. Tadvin fi axbori Qazvin. – Bayrut : Dor al-kutub al-ilmiya, 1987. – 1 -jild. – B. 457.
6. SD-disk: Al-Maktabat alfiya li sunnati nabaviya. Al-Mu’jam al-avsat. 1988. – 2-jild. – B. 209.
7. SD-disk: Al-Maktabat alfiya li sunnati nabaviya. Sahih Muslim. – 1-jild. – B. 74.
8. Inson ko‘rki – odob / To‘plovchi va tarjimon Abduhafiz Abdujabborov. – T. : Toshkent islom universiteti, 2004. – B. 6.
9. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20
10. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371
11. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. PEOPLES OF EURASIA. HISTORY, CULTURE AND INTERACTION PROBLEMS, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
12. Raximdjanov D.A. Abu Xafs an-Nasafiyning «Kitob al-qand fi ma’rifat ‘ulamo’ Samarqand» asari – Samarqandda hadis ilmi tarixi bo’yicha muhim manba // tarix fanlari nomz... diss. – Toshkent : Toshkent islom universiteti, 2003. – B. 13.
13. Sahih Buxoriy. 1-jild. – 1992. – B. 3.
14. Sunani Termiziy. 1993. – 5-jild. – B. 211.
15. SD-disk: Al-Maktabat alfiya li sunnati nabaviya. Ismoil ibn Muhammad ibn Fazl at-Taymiy al-Isfahoniy. Daloil

an-nubuvvat. – Riyod : Dor at-toyyiba, 1988. – 1-jild. – B. 193.
16. Tojuddin as-Subkiy. Tabaqot ash-shofi'iya al-kubro. – 3-jild. – B. 152.
17. Uvatov U,, Usmonov I,, Rahimjonov D., Mukhamedov N va boshqalar. Movarounnahr allomalarining hadis ilmi rivojiga qo'shgan hissalari: Monografiya. – T. : Movarounnahr, 2011. – B.10–11.
18. Shamsuddin Zahabiy. Siyar a'lom an-nubalo. – Bayrut : Muassasat ar-risola, 1993. – 16 -jild. – B. 283.
19. Yusuf ibn az-Zakiy. Abdurahmon Abulhajjoj al-Muziy. Tahzib al-kamol. – Bayrut : Muassasat ar-risola, 1980. – 29-jild. – B. 219.
20. Yoqut al-Hamaviy. Mu'jam al-buldon. – Qohira, 1906. – 1-jild. – B. 7.
21. Xoja Xalifa. Kashf az-zunun. – Bayrut : Dor al-kutub al-ilmiya, 1992. – 1-jild. – B.611.

REFERENCES

1. Abula'lo Muhammad Abdurahmon ibn Abdurahim al-Muborakfuriy. Tuhfat al-Axvoziy. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya. 7-jild. -B. 403.
2. Abu Sa'd Abdulkarim ibn Muhammad as-Sam'oniy. al-Ansob. -Bayrut, 1988. 7 -jild. -B. 244.
3. Abu Sa'd Abdulkarim ibn Muhammad as-Sam'oniy. at-Tahbir fi mu'jam al-kabir. 2-jild. -B. 26-27.
4. Abu Sa'id al-Haysam ibn Kulayb ash-Shoshiy. al-Musnad. -Madinai munavvara: Maktabat al-¬ulum val-hikam, 1988. 1-jild. –B.311.
5. Abdulkarim ibn Muhammad ar-Rofi'iy al-Qazviniy. Tadvin fi axbori Qazvin. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1987. 1 -jild. -B. 457.
6. SD-disk: Al-Maktabat alfiya li sunnati nabaviya. Al-Mu'jam al-avsat. 1988. 2-jild. -B. 209.
7. SD-disk: Al-Maktabat alfiya li sunnati nabaviya. Sahih Muslim. 1-jild. -B. 74.
8. Inson ko'rki – odob / To'plovchi va tarjimon Abduhafiz Abdujabborov. -T.: Toshkent islom universiteti, 2004. -B. 6.
9. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20
10. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371
11. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. PEOPLES OF EURASIA. HISTORY, CULTURE AND INTERACTION PROBLEMS, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
12. Raximdjanov D.A. Abu Xafs an-Nasafiyning «Kitob al-qand fi ma'rifat 'ulamo' Samarqand» asari - Samarqandda hadis ilmi tarixi bo'yicha muhim manba // tarix fanlari nomz... diss. - Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2003. -B. 13.
13. Sahih Buxoriy. 1-jild. 1992. -B. 3.
14. Sunani Termiziy. 1993. 5-jild. -B. 211.
15. SD-disk: Al-Maktabat alfiya li sunnati nabaviya. Ismoil ibn Muhammad ibn Fazl at-Taymiy al-Isfahoniy. Daloil an-nubuvvat. -Riyod: Dor at-toyyiba, 1988. 1-jild. -B. 193.
16. Tojuddin as-Subkiy. Tabaqot ash-shofi'iya al-kubro. 3-jild. -B. 152.
17. Uvatov U,, Usmonov I,, Rahimjonov D., Mukhamedov N va boshqalar. Movarounnahr allomalarining hadis ilmi rivojiga qo'shgan hissalari. Monografiya. -T.: Movarounnahr, 2011. -B.10-11.
18. Shamsuddin Zahabiy. Siyar a'lom an-nubalo. -Bayrut. Muassasat ar-risola, 1993. 16 -jild. -B.283.
19. Yusuf ibn az-Zakiy. Abdurahmon Abulhajjoj al-Muziy. Tahzib al-kamol. -Bayrut: Muassasat ar-risola, 1980. 29-jild. -B. 219.
20. Yoqut al-Hamaviy. Mu'jam al-buldon. -Qohira, 1906. 1-jild. -B. 7.
21. Xoja Xalifa. Kashf az-zunun. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1992. 1-jild. -B.611.